

Мутриб Хонахаробий (тахаллуси; асл исми Мухаммад Хасан Хожи Табиб ўгли), (1865-Хива-1925) – шоир. Хивадаги Мухаммад Аминхон мадрасасия тахсил олган. Макомчи-бастакор сифатида ҳам машхур бўлган (Мутриб—созанда, тахаллуси шундан). Мутриб Хонахаробийнинг серкирра иктидорини юкори бахолаган Феруз уни саройга жалб этиб, девонбегилик вазифасига тайинлаган. Бу йилларда Мутриб Хонахаробий ёзган газал ва мухаммаслар кўплаб баёз-мажмуалардан ўрин олган, жумладан, Табибий тузган иккала тазкирада шоир асарларидан кўплаб намуналар учрайди. Мутриб Хонахаробий 20-асрнинг 20-йилларида сарой тугатилгач, Хоразмда пайдо бўлган махаллий матбуотда фаол иштирок этади, «Хоразм хабарлари», «Инкилоб куёши» газеталарида адабий ходим лавозимида хизмат килади. Илк шеърларини 1890 йилда ёза бошлаган. Унинг баёз, девон ва мажмуалар оралиги 14 минг мисрага яқин газал, мухаммас, мусаддас, касидалардан иборат адабий мероси этиб келган.

Мутриб Хонахаробий колдирган ижодий мерос асосини ишк-мухаббат мавзуида битилган газал, мурабба, маснавий, мухаммас, мусаддас ва рубоийлар ташкил этади. Унинг хон ва шоир Феруз шаънига багишланган касидалари ҳам мавжуд. Мутриб Хонахаробийнинг илммаърифатга даъват, хуррият мавзуларида ёзилган шеърлари махаллий матбуот саҳифаларида, шунингдек, Хивада 1924 йилда нашр этилган «Югурмия» тўпламида чоп этилган. Бу туркум шеърларида («Кўрунг эмди халойикка...», «Билинглари, эй халойик», «Кўнглума бир турфа сўз келди равон» ва б.) тарғибий-ташвикий рух, хитоб, даъват оҳанглари хукмронлик килади.

Мутриб Хонахаробий меросининг асосий қисми 1909 йилда Мухаммад Шариф ибн Мухаммад Ёқуб — Харрот тартиб берган девон (300 саҳифа)да жамланган. Ўзбекистон Фанлар Академияси Шарқшунослик институти фондида 2 кичик девони (инв. №903, 906) сақланади. Лафасийнинг Феруз давридаги хоразмлик ижодқорларга багишланган тазкирасида М.Х.нинг «Шоҳ Комрон» шеърий *асари борлиги хақида маълумот берилган.*

Абдурашид Абдугафуров.

ГАЗАЛЛАР

Жонон, юзинг мен зордин бир лаҳза пинхон айлама,
Тийги фирокинг захмидин бағрим тўла кон айлама.

Доим жунун саҳросида Мажнун каби кон ютдуруб,
Зиндони хажр ичра ики чашмимни гирён айлама.

Зотинга хар сахву хато килсам, кечиргил ёзуким,
Хар дам фирокинг ўтига жонимни сўзон айлама.

Ширин тилингдин истасам бўйи вафонинг муждасин,
Бир нукта изхор этмайин ноз ила хайрон айлама.

Васлинг шабистонига юз кўйсам бурунги ахд ила,
Юз турфа афсунлар килиб, эй гул, пушаймон айлама.

Ажзу ниёз айлаб кўнгул комин таманно айласам,
Ул лахза гамза тийгини катлимга буррон айлама.

Шамъи рухингга истасам парвоналиг, эй гульузор,
Мутрибни хижрон кайдига ташлаб, паришон айлама.

* * *

Айлай нечук ишрат мен, ул оромижоним келмаса,
Бермакка жон оромини рухи равоним келмаса.

Топгай хазин кўнглум нечук гам кайдидин озодлиг,
Айларга хижрондин халос Азро нишоним келмаса.

Партав солиб рухсоридин, маст этгали саршоридин,
Жон бергали гуфторидин, ширин забоним келмаса.

Фарёдким, андуху гам давр этмиш атрофим шукун,
Таркатгали гам лашкарим сохибкироним келмаса.

Тузмакка ишрат созини, билмак учун дил розини,
Айлаб малак парвозини, сирри нихоним келмаса.

Хар дам бокиб мастонгина, лутф этгали жононгина,
Лаъли лаби хандонгина, коши камоним келмаса.

Вах, не киёматдур букун мен Мутриби бечорага,
Хусн авжининг сардафтари, олий маконим келмаса.

* * *

Хижрон ўтига мунча кўп, эй меҳрибоним, ўртама,
Айёми ишрат бўлди, кел, ороми жоним, ўртама.

Хуснинг хуморидин кўнгул беихтиёр ўлган чоги,
Бир лахза раҳм айлаб манга, жисм ичра жоним, ўртама.

Васлинг таманноси учун ошуфта хол ўлсам агар,
Дарди фирок ичра кўйиб, сарви равоним, ўртама.

Лаълинг зулолин истасам, гайр ила сен ишрат тузуб,
Эй орази гул, сарв кади, коши камоним, ўртама.

Нутки каломингдин хазин кўнглум вафо истар эса,
Ноз айлабон, эй тўтийи ширин забоним, ўртама.

Эхсони лутфингдин мени махрум этиб ишрат аро,
Хусн авжининг сардафтари Азро нишоним, ўртама.

Изхор лутфингни сўрар чоғда табассумлар била,
Юз нукта ёлгондин деб, эй шаккарфишоним, ўртама.

Лаълингдин истаб жонфизо, нуткингга зор ўлсам агар,
Тишлаб дурафшон лабларинг, эй нуктадоним, ўртама.

Ноз айлабон кршииг кокиб, охиста Мутрибга бокиб,
Хар жилвада жоним ёкиб, эй навжувоним, ўртама.

* * *

Катл этарга кўзларинг килса газаб,
Бергусидур жисмима жон икки лаб.

Гар муяссар бўлса васлинг сухбати,
Нўш этарман тинмайин жоми тараб.

Бодаи лаълинг хумори ичраким,
Хажр даштида юрурман ташналаб.

Солди ўт жонимга чашминг гамзаси,
Кўрмишам васлинг тилаб ранжу тааб.

Базми васлингдин даме шод этмайин,
Йиглатурсан зору хайрон рўзу шаб.

Вах, қачон васлингга етгайман дебон,
Тортиб хижрон жаврин айларман талаб

Фуркатингда дам-бадам кон йиглатиб,
Бўлмагил Мутрибни катлига сабаб.

* * *

Тушди хажрингдин тану жон ичра ўт,
Зулфи зуннорингдин иймон ичра ўт.

Солгусидур икки чашминг гамзаси,
Бир бокишда бу дили кон ичра ўт.

Гулшани хуснингни жонон хажридин,
Тушди кўкда мохи тобон ичра ўт.

Не гунохим бор эрур, хар дам солур,
Дарди ишкинг жисми вайрон ичра ўт.

Чеккан охимдин гамингда ўртаниб,
Тушгуси гардуни гардон ичра ўт.

Ишк аро Мутрибни чеккан охидин
Тонг эмас тушса гулистон ичра ўт.

* * *

Хар кун юзинг кўрмак тилаб икки кўзум гирён эрур,
Топмай хазин кўнглум лабинг шахдини, саргардон эрур.

Кўргач тазарруъ айласам, дерман висол уммидидин,
Билмам насибам не учун хунобаи хижрон эрур.

Тийги фирокингдин тани зоримда сар тосар яро,
Килсанг мурувват заррача хар мушкулим осон эрур.

Комига йўл топмок учун, эй тўтийи ширин макол,
Етмай жанобингга тану жонимда минг армон эрур.

Вобастаи зулфинг бўлиб, бўйи вафо истар эсам,
Мажнун каби йиглаб, нки чашмимда ашким кон эрур.

Мен хастага эрмас ажаб, кўргач сени топсам шифо,
Нечунки айш ичра менга лаълинг майи дармон эрур.

Ишрат этарга майл этиб, кулбамга келсанг ноз ила,
Бу Мутриби бечоранинг жони сенга курбон эрур.

* * *

Эй кўнгул, ўртанма кўп сарви хиромонинг келур,
Васлидин шод этгали гулбарги хандонинг келур.

Шому фуркат ичра бўлган кўзларингни тийрасин,
Килгали равшан бу тун хуршиди рахшонинг келур.

Тўкмагил хажр ичра йиглаб кўздин ашки лолагун,
Ким тараххум айлаб ул ёри нигахбонинг келур.

Лутф бирла захр хижронидин ўлган жисмишта,
Тозадин жон бергали Исои давронинг келур.

Бодаи васли била бу кеча сармаст эткали,
Хуш такаллум, гулбадан, шўхи сухандонинг келур.

Гул юзи бирла машомингни муаттар килгали,
Сарв комат, махжабин, себи занахдонинг келур.

Бўлма гамгин, Мутрибо, гар етса ишк ичра ситам,
Холинга раҳм этгали ёри кадрдонинг келур.

* * *

Эрмасам ошик, кўзум хайрони бўлгайму эди.
Танда жон парвонадек сўзони бўлгайму эди.

Истамас эрсам агар сарви кади зебосини,
Жисми зоримда гами хижрони бўлгайму эди.

Гар хазин кўнглумни шавк ўти маком этмас эса,
Икки чашмим рўз, шаб гирёни бўлгайму эди.

Бўлмаса вобаста икки наргиси шахлосига,
Нотавон кўнглумда юз армони бўлгайму эди.

Тори зулфи жонима куллобдек банд эрмаса,
Риштаи жоним онинг қурбони бўлгайму эди.

Интизор ўлмас эсам юз узра мушкин холига,
Кумридек хар кун ишим нолони бўлгайму эди.

Отмаган бўлса агар хар гамзасида новакин,
Жисмида Мутрибни юз пайкони бўлгайму эди.

* * *

Кел, эй дилбар. чаман сайрига, гулшан лолазор ўлди,
Тамошойи жамолингга кўзим беҳад хумор ўлди.

Нихоли коматинг ёдида каддим хам, кўзум пурнам,
Висоли базмига махзун дилим кўп интизор ўлди.

Гули хуснингни шавкида чекиб булбул каби афгон,
Нетай зухд ахлига пинхон розим ошкор ўлди.

Ишим хижрон тунида кеча-кундуз ох-вох бирла,
Икки чашмим фирокинг шиддатидан ошкор ўлди.

Асир бўлмас эса кўнглум сочинг торига, эй гулрух,
Не деб жисмимда жоним зарра янглиг бекарор ўлди.

Бўлиб мажнуни беморинг фирокинг кишвари ичра,
Чекиб ташвиши хижронингни жисмим бемадор ўлди.

Агар раҳм этмасанг, эй нозанин, Мутрибни холига,
Улусга нолишидин дойимо бе эътибор ўлди.

* * *

Билинглар, эй халойик, сизга бу бир яхши даврондур,
Тамоми юртимизда нозу неъматлар фаровондур.

Топиб осойиши пиру жувон, озурдадил бўлмай,
Бари махзун ўлан эллар дамодам шоду хандондур.

Худойим раҳм этиб бизга, биродарлар бўлиб ёру,
Кўрунг эмди ситамгарларни, саргардону хайрондур.

Бўлуб курултою Ижрои Кўмита шаҳр аро барпо,
Бу давлат файзидин бизларга хар мушкиллар осондур.

Биродарлар, ўзин хар кеча бизга посбон айлаб,
Бихамдиллах, аларнинг мақдами осойиши жондур.

Алардин бахра олмокка тараддуд айламак лозим,
Буларнинг эътикоди мунча бизларга фаровондур.

Мудом, эй сода диллар, Мутрибосо шод ўлунгларким,
Бори душманлар ахволини кўрким хонавайрондур.